

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич
Ҳасанов Миршод Нўъмонович
ТДТУ ўқитувчилари

АННОТАЦИЯ

Мазкур татқиқотда шарқ алломаларининг инсон камолати масаласига муносабати таҳлил қилиб ўтилди. Барчамизга маълумки, Инсон – бу ёруғ оламдаги жамики жонзотлар ичра энг мукаррами. Одамзод яралганидан буён унга ахлоқ ва маънавият ҳамроҳ бўлиб келяпти. Биз эса дунёдаги ахлоқни ўта юксак даражаларга кўтарган халқмиз. Чунки миллий қадриятларимизнинг мағзи-мағзида айнан ахлоқий тарбия ётади.

Калит сўзлар: *Комил инсон, инсон тарбияси, ахлоқий қарашлар.*

АННОТАЦИЯ

В данном исследовании проанализировано отношение восточных ученых к проблеме совершенства человека. Как мы все знаем, Человек — самое благородное из всех существ в этом мире света. С момента сотворения человека ему сопутствуют нравственность и духовность. И мы нация, которая подняла нравственность мира на очень высокий уровень. Потому что в основе наших национальных ценностей лежит нравственное воспитание.

Ключевые слова: *совершенный человек, человеческое воспитание, нравственные взгляды.*

КИРИШ

Марказий Осиё уйғониш даври (Ренессанс) даври фалсафасида буюк қомусий олимлари, Ал-Фаробий ва Берунийнинг ўрни бекиёс. Шарқда “муаллим ас-соний”(Аристотелдан кейинги иккинчи муаллим) унвонига сазовор бўлган аллома ижодига назар ташласак, Шарқда жамият ҳақида яхлит концепция яратган, Шунингдек, Комил инсон масаласи ҳақида муҳим фикрларни илгари сурган. Фаробий ва Берунийнинг фалсафий қарашларига кўра, ҳамма нарсанинг боши ҳар доимгидек Аллоҳдир. Ўртаси эса мавжудотларнинг иерархиясидир.

Берунийнинг фалсафий мушоҳадаси, унинг табиат ва унинг қонунларини аниқлаши, ижтимоий-сиёсий, бадий-ахлоқий ва бошқа қарашлари илмий изланиш – тадқиқотларида қўллаган илмий-фалсафий билиш усул ва услублари – кузатиш, тажриба, эксперимент, астрономик, геодезик миқдорий – амалий

ўлчаш, ҳисоб-китоблар, тақвимлар, сулолалар борасидаги изланишларининг бутун-бир улкан мажмуига таянгани, асосланганлиги учун ўз даврининг академик дунёқарашлари сарасига киради. Шу жиҳатдан Берунийнинг дунёқараши, фалсафий қарашлари илмий ижоди, тадқиқот усуллари ва услубларини тадқиқ қилиш ўта мураккаб муаммодир.

Берунийнинг фалсафадаги ўрни, мавқеи, бу соҳага унинг тасодифан, адашиб кириб қолмаганлигини, балки фалсафада тутган позициясини аниқ, онгли ва мақсадга мувофиқ ҳолда танлаб олинганлигини, унинг фалсафадаги Демокрит натурфалсафаси оқими анъаналарини мусулмон халқлари илм-фани, фалсафасида ворисий давом эттирган табиийунлар оқими мактаби вакили бўлганлигини кўриш мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Беруний қадимги юнон фалсафаси намояндалари Сукрот, Афлотун, Арасту, Гераклит, Анаксагор, Левкипп, Демокрит, Парменид, қадимги ҳинд фалсафаси салафлари асарларини, қарашларини, улар мансуб бу оқимнинг мусулмон халқлари фалсафасидаги давомчилари бўлмиш Ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино асарлари, таълимотларини жуда яхши, асосли билгани, улардан ҳар қадамда фойдалангани ҳолда, асосан, қадимги юнон, ҳинд натурфалсафачиларига, бу оқимнинг ўрта аср мусулмон халқлари илм-фани, фалсафасидаги издошлари Жобир ибн Ҳайён, Муҳаммад Эроншаҳрий, Закариё ар-Розийларга эргашганлигини¹, шу йўналишдаги олимлар, мутафаккирларга яқин туришга интилганини кўрамиз.

Берунийнинг, “Минерология” асари ва Имом Ғаззолийнинг “Ал-Мунқиз-мин-аз-залол” (Хатолардан кутқарувчи) асарида билдирилган фикрларни мантиқий қиёслаш асносида берунийшунос А.Ж. Шарипов буюк алломанинг фалсафада табиийун оқимига мансуб эканлигини аниқлашга жуда яқин келган эди². Буюк алломанинг натурфалсафачи табиатшунос, файласуф эканлигини, хусусан ўрта аср мусулмон фалсафасининг етакчи кучи бўлган табиийун оқимининг йирик вакили, асосчиларидан бири бўлганлигини унинг илмий-фалсафий дунёқарашининг концептуал таҳлили ҳам, даврига оид мўътабар манбалари, маълумотлари ҳамда ҳозирги замон фан тарихчилари тадқиқотлари, хулосалари ҳам тасдиқлайди.

¹ Каримов У.И. Неизвестное сочинение Абу Бакра ар-Рази “Книга тайны” –57 с; Усманов М.А. Философские взгляды Мухаммад Закария ар-Рази // Философское наследие народов Ближнего и Среднего Востока. -Ташкент: Фан, 1976.

² Қаранг: Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхан Бируни. -Ташкент: Узбекистан, 1972.

Ушбу ўринда Беруний дунёқараши, натурфалсафасининг табиат ҳақидаги таълимотидан келиб чиқувчи концептуал қарашлари таҳлилига ўтамиз.

Ноорганик олам билан тирик дунё, хусусан инсон руҳи, онги муаммоларини тадқиқ этар экан, Беруний ўзининг “Минералогия” асарида инсондаги жисмоний ва руҳий ҳолатларнинг бевосита, тадрижий боғлиқлиги муаммосини қараб чиқиб, қуйидагиларни ёзган эди: “(Инсон) жони (руҳи) ўзининг асосий ҳолатларида тана мажозига тобедир, шунинг учун ҳам унинг (мазкур руҳий ҳолатлари) ўз мижозига кўра рангбаранг ва турлича бўлади”³. Бу дегани, Беруний ўз давридаги расмий сунний ислом ҳамда тасаввуфий ёки ишроқийлардан фарқли ўлароқ, инсон жони (руҳи)ни иррационал дунё билан, худо иродасини ёки сурури, файзи илоҳийси, ҳатто “Нури Муҳаммадийа” билан қатъий тарзда боғламасдан, уни бевосита табиатнинг ўзидан келтириб чиқариб тушунтиришга уринган.

Ҳолбуки, жон(руҳ)нинг табиат билан боғлиқлиги тўғрисидаги бу муаммо дин, калом билан илм-фан, фалсафа ўртасида кескин кураш шароитида муҳокама қилинаётган, бу борада Берунийга ўхшаган йирик табиатшунос файласуф (табиййун)ларнинг фундаментал илмий қарашлари, экспериментлар, тажрибаларга асосланган хулосалари даҳрийлик сифатида қораланаётган эди.

Имом Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззолий ўзининг “Мунқиз мин аз-залол” (Хатолардан қутқаргувчи) номли машҳур тавба-тазарру асарида натурфалсафачи, табиййунларнинг инсоннинг жисмоний танаси (бадани, яъни табиий борлиғи) билан унинг маънавий борлиғи-жони (руҳи) ўртасида ажралмас табиий бирлик, боғлиқлик борлигини эътироф этишларини қайд қилиб, қуйидагиларни таънаомуз кўринишда ёзган эди. “...ўз натурафалсафасида зўр бериб ишлаган, тадқиқотлар олиб борган табиатшунослар фикрига кўра, мижознинг тана билан мутаносиблиги ҳайвонот имконий қувватлари таркибига фавқулудда катта таъсир кўрсатади. Инсоннинг тафаккур қуввати ҳам унинг мижозига боғлиқ ва у темперамент маҳв бўлиши, йўқ бўлгани ҳамон йўқ бўлиб кетади, ҳалок бўлади”⁴. Бу фикрида Имом Ғаззолий натурфалсафачи, табиййунлар, шулар қаторида Берунийнинг ҳам, инсон танаси (бадани) билан унинг жони (руҳи) ўртасидаги ажралмас боғлиқлик мавжудлиги тўғрисидаги қарашларини аниқ ва қатъий қилиб

³ Ж. С. Раматов, & М. Н. Ҳасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.

⁴ М. Н. Ҳасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.

таърифлаган. Табиййун таълимотидаги инсон танаси ва руҳи (жони) ўртасидаги тадрижий ва ажралмас бирлик, боғлиқлик ҳақидаги хулоса расмий диний таълимот, эътиқод эгалари учун катта хавф туғдирадиган мазмун касб этиб, бу Берунийни табиййун натурфалсафачи оқимининг асосчилари, етакчиларидан бири бўлганлиги, шу оқимга онгли тарзда эргашганлиги, уни ҳимоя қилганлиги ва ривожлантирганлигини Ғаззолий ўз сўзлари билан исботлаб берган.

Зеро, ўрта аср мусулмон фалсафасининг етакчи оқими бўлган табиййун таълимотининг табиат билан жон (руҳ) ўртасидаги муносабат, ўзаро туб алоқадорлик, боғлиқликнинг уч жиҳати академик М.М. Хайруллаев томонидан қуйидаги бандларда кўрсатиб ўтилган: “1) руҳ(жон)нинг материядан, танадан ташқари яшаши мумкин эмаслиги ва ҳар қандай борлик моддий асосга эга эканлиги тўғрисидаги таълимот; 2) худо ва дунёнинг бирлиги, худонинг мустақил, дунёдан ташқари яшай олмаслиги; 3) инсон шахсининг мустақил мавжудлиги, ҳамда инсон руҳининг борлиқдан ташқарида яшай олмаслиги. Инсон ўлгандан кейин у борлиққа қўшилиб кетади, унинг руҳининг (маънавий) абадийлиги борлиқнинг абадийлигини, йўқ бўлиб кетмаслигини билдиради”⁵.

Тана ва жон бирлиги тўғрисидаги хулосага Абу Наср ал-Фаробий ҳам келган эди: “Жон(руҳ)нинг турли ҳолатларда бўлиши-баъзиларда кўпроқ, бошқа баъзи бировларда эса камроқ даражада-тана (бадан) мижози (темпераменти)га боғлиқ ва жон(руҳ)нинг ҳар қандай ҳолатини шу жон (руҳ) мавжуд бўлган тана (бадан) мижози (темпераменти) белгилайди; бундан эса муқаррар тарзда жон(руҳ)нинг ҳолати у мавжуд бўладиган тана(бадан)даги ўзгаришларга мос равишда ўзгариб бориши лозимлиги келиб чиқади. Нарса (тана, бадан)лар ўзгаришлари чексиз бўлганлиги учун (танада мавжуд) жон(руҳ)нинг ўзгарувчанлиги ҳам чексиздир”⁶.

Ўзининг бу хулосасини Фаробий “Масалалар моҳияти” асарида қуйидагича таърифлаган: “Жон (руҳ), Афлотун айтганидек, танадан олдин мавжуд бўлолмайди; худди шунингдек, у (жон, руҳ) таносуҳ ҳақидаги таълимот тарафдорлари уқтирганларидек, бир танадан бошқасига кўчиб ўта олмайди”⁷.

Бундай хулосага ўзининг “Китоб-уш-шифо”, “Китоб-ун-нажот”, “Донишномаи Аъло” ва бошқа асарларида жуда катта табиатшунослик илмлари

⁵ Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 38-41.

⁶ Salimov, Bahridin Lutfullaevich (2021). THE PHILOSOPHICAL ROLE OF DIALECTICAL CATEGORIES IN HUMAN LIFE. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (6), 406-410.

⁷ Salimov Bahridin Lutfullaevich Tabiat va jamiyatning hayot yo'li baxtsiz hodisalar va zarurat zanjiridan iborat // Kollokvium-jurnal. 2020 yil. 24-son (76). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhiznenny-put-prirody-i-obschestva-sostoit-iz-tsepi-sluchaynostey-i-neobhodimostey> (kirish sanasi: 28.06.2022).

материаллари, кузатиш, эксперимент, тажрибалар натижаларини фалсафий умумлаштириш асосида Шайх-ур-Раис Ибн Сино ҳам келган эди: “Демак, куйидаги аниқланди: жон (рух)лар улардан жон (рух) фойдалана олиши мумкин бўлган тана вужудга келганидан сўнггина пайдо бўлади”. “...Замонда жон (рух) тана(бадан)дан ажралмасдир”⁸.

Бу хулосаларнинг мантикий асоси, натижалари шу қадар фалсафий умумлаштирилган, фундаментал характерга эгаки, улар ҳатто ҳозирги замон олими, файласуфлари учун ҳам инсон танаси ва унинг жон(рух)и ўртасидаги алоқа тўғрисидаги фикр-мулоҳаза юритиш борасида таянч нуқталардан бири бўла олади.

Бироқ, бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон танаси ва унинг рухи (жони) ўртасидаги теран, ажралмас ва тадрижий алоқадорлик, боғлиқлик ҳақидаги мазкур, деярли бир хил мазмундаги мулоҳазаларда таърифларда ифодаланган хулосалар мумтоз ўрта аср мусулмон фалсафасининг борлиқ, билиш ва бошқа кўплаб фалсафий муаммоларни аниқлаш, талқин этишда кўпинча ўзаро келиша олмайдиган, ҳатто принципиал ўзаро қарама-қарши позицияда туришган икки етакчи оқим - табиийун (Розий, Беруний ва бошқалар) ва машшойийун (Форобий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино ва бошқалар) вакиллариининг бир ёқадан бош чиқариб, фаол, қатъий тарзда бир хил фикр қилганликлари диққатга сазовордир.

Берунийнинг табиийун оқимиға эргашганлигини ўрта аср муаллифи Абу-л-Ҳасан Байҳақийнинг “Татимма сиван-ал ҳикма” асаридаги Берунийға берган куйидаги таҳаллус таърифлари ҳам бевосита тасдиқлаши мумкин. “Ал-Ҳаким Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал – Беруний – энг буюк математиклардан... кўплаб китоблар ёзган, ...“Ал-Қонун ал-Масудий” унинг бу жанрдаги энг сара асарлари намунасидир”. “У билан Абу Али (ибн Сино) ўртасида баҳс-мунозара бўлиб ўтган, бироқ у мантиқ денгизидан кечиб ўтмаган, бунга салоҳияти бўлганларгина бу борада мувафаққиятга ёр бўлади”⁹. Байҳақий Берунийни “Ал-Ҳаким” деб атаганда олам ва охират, илоҳий дунё ҳикматини билган донолик соҳиби сифатида таърифлаган: “Ал-Ҳаким” фахрли номи билан мусулмон муаллифлари асосан қадимги юнонистоннинг натурфалсафачи, табиатшунослари-Гермес Трисегемес, Пифагор, Гераклит ва Мисрдаги “Ал-Искандария” мактабига мансуб алхимиклар, табиблар, гностицизм вакиллари,

⁸ Ибн Сина. Избранные философские произведения. – М.: Наука, 1980. – С. 250-252.

⁹ Байҳақи Абу –л-Ҳасан. Китоб татимма сиван-ул-хикма” //С.Г.Багирова. Сочинение татимма “Сивон-ул-Хикма” ал-Байҳақи как образец средневекового энциклопедического справочника. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 55.

ислом даврида эса, Зуннун Мисрий, Ҳасан Басрий, Жобир, Эроншаҳрий, Розий каби табиатшуносларни атаганлар.

Инсоният дунёни тушунадиган ва унда ҳаракат қиладиган оддийгина ногирон деб таърифлайди. Унинг қарашларининг охири эса ҳақиқий бахтга эришишдир. Ал-Фаробий инсоннинг мақсади бахт, унга ақл билан эришиш мумкин деб ҳисоблаган. Мутафаккир жамиятни давлат билан тенглаштирган. Жамият инсон организми. "Хайрихоҳ шаҳар барча аъзолари тирик мавжудотнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бир-бирларига ёрдам берадиган соғлом танага ўхшайди." Фаробий ҳақиқатан ҳам ўзининг ижодий ютуқларида араб, форс, юнон, хинд ва ўз турк маданиятини ўрганган ва умумлаштирган жаҳон даражасидаги одам эди. Турк маданияти акс-садоси унинг машҳур Китоб ал Муסיқ ал Кабир (Буюк мусиқа китоби) асарида яққол кўринади. Фаробийнинг қўлёзмалари дунёнинг кўплаб кутубхоналарида мавжуд. Фаробий ижодини ўрганаётган олимларнинг сони ҳам шунча кенг.

Фаробий асарларини нашр этган ва унинг ҳақиқий энциклопедик меросининг турли қирраларини ўрганган олимлар фаробийшуносликка ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Яҳилий парадигмаси "мен ва бошқалар" ўртасидаги алоқа воситаси сифатида исломий покликда "табиий" (Куръон) трансценденцияларнинг соддалиги ва равшанлигини очиб беради, олимнинг дунёни англашга бўлган қарашлари нақадар теран маъно касб этишини кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, биз ислом антропологияси ҳақида гапирганда, биз шунчаки трансценденция ғояси, катталаштирувчи маъно асосида очилган инсон муаммосини назарда тутмаймиз. Инсоннинг мақсади, одамнинг муаммоси, унинг инсонийлигини англаш истиқболларини кашф этишда намоён бўлади. Исломий гуманизм - бу контсепцияда "намоён бўлган" ҳодиса сифатида инсонга илоҳий ваҳийдир, аммо уни амалга ошириш кундалик ҳаёт амалиётида фақат бир марта, инсоний гуманизм қонун амалиёти сифатида амалга оширилганда содир бўлиши керак. Ҳатто менинг ўзимнинг намоён бўлишимни Мен ва бошқаларнинг инсонпарварлиги деб талқин қилиш мумкин, чунки мен фақат онгли равишда инсонпарварлик амалиёти бўлар эдим, шунингдек, замонавий шахсни шакллантириш коммуникатив алоқалардан ташқарида бўлиши мумкин эмас эди.

Агар насронийликда инсон ўзини ноёб одамга айланттириш учун Масих йўли орқали ўзини намоён қилган бўлса, демак, Исломда инсон кундалик

турмуш тарзи туфайли шахсга айланади. Тақво ва солиҳлик инсоният ўлчови сифатида кундалик ҳаётда бирлаштирилиб, янада такомиллашиб боради.

Ал-Фаробий идеаллари ва ижтимоий-гуманитар тараққиёт инсоннинг кундалик ҳаёт амалиётида аслида қандай бўлишининг моҳиятини очиб беради. Ал-Фаробийнинг шахс ҳақидаги қарашлари ислом гуманизми инсонпарварликдан устунлигини бевосита тан олади. Олимнинг қуйидаги сўзлари инсон антропологиясини чуқурроқ ўрганишда шубҳасиз долзарбдир:

Ўзига нисбатан ростгўйлик, инсон ўзига хос яхши фазилатларни, ўзида мавжуд бўлган яхши ишларни белгилагандагина пайдо бўлади. Агар бирор нарса ўзига хос бўлган нарсани эмас, балки ўзига хос бўлган нарсани ўзига боғлаб қўйса, у ҳолда у ўзини ўзи намоён қилади. "

Бироқ, бу ерда бир асосий савол туғилади: Ал-Фаробий инсоннинг ҳақиқий борлиғи - унинг табиий борлигини табиий мавжудот ёки унинг ижтимоий борлиғи сифатида ифодалашни нима деб ҳисоблайди? Фалсафа билан профессионал равишда шуғулланадиган одамлар учун маълумки, ҳаётнинг табиий ва ижтимоий ўлчамлари ҳамма одамлар учун бир хил ва шу билан бирга ҳар бир инсонга хосдир. Бунда ҳар қандай шахс ҳаётнинг баъзи жиҳатларига устунлик бериши ва шу билан уларнинг мавжудлигини белгилаши мумкин.

Ал-Фаробий антик давр фалсафаси таъсирида Юнонистон инсониятнинг ўзини англаш жараёнининг объектив асосларини аниқлашга ҳаракат қилмоқда. Инсон учун асосий нарса нима бўлиши керак - унинг табиий табиат эҳтиёжлари ёки ижтимоий талаблари? Бу саволга жавоб бериш осон туюлади. Амалий ҳаётда, одатда, одамлар ўзларининг шахсий эҳтиёжларини жамоат талаблари билан бирлаштиришга ҳаракат қилишади, уларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини белгилайдилар. Инсон ўз-ўзини англаш ҳақиқатининг объектив асоси сифатида жуда зиддиятлидир. Ушбу қарама-қаршиликларни акс эттирувчи умумий тамойиллар бир-бирини истисно қилиши ва шу билан бирга борлиқ ҳақиқат моментларини ўз ичига олиши мумкин.

Инсон ва жамият ўртасидаги муносабатни ушбу йўналишда ҳисобга олган ҳолда, индивидуал, ижтимоий ва сиёсий тажрибани умумлаштирган ҳолда, ал-Фаробий ўзининг асл ижтимоий-фалсафий контсепциясини ишлаб чиқди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганишда у Аристотел цингари қуйидаги принтсипдан келиб чиқди: ҳамма жойда бўлгани каби, назарий қурилишнинг энг яхши усули бу бошланғич таълим предметларини кўриб чиқишдир. Бундай

таълим, у одамларнинг биргаликда яшашга ва сиёсий мулоқотга бўлган табиий мойиллигини кўриб чиқади.

Мутафаккирнинг фикрига кўра, инсон сиёсий мавжудотдир, яъни ижтимоий ва у биргаликда яшашга бўлган инстинктив истакни келтириб чиқаради. Аристотелнинг кучли таъсирида бўлган Фаробий, инсоннинг энг юқори яхшиликка эришиши, албатта, бу катта хизматдир, аммо бундан ҳам чиройли ва илоҳий нарса уни халқ ва бутун давлат, яъни жамият учун эгаллашдир.

Ал-Фаробий алоҳида шахс ва унинг ҳуқуқларини давлатнинг принтсипи деб ҳисобламайди. Аксинча, Платон цингари, у давлатнинг ва жамиятнинг шахсга нисбатан индивидуал устунлигидан устун бўлган “саркарданинг устунлигидан келиб чиқади” деб таърифлайди. Шахс ижтимоий бир бутунликнинг фақат бир қисмидир. Давлат инсоннинг моҳиятидир, “ўз-ўзидан” инсон мавжуд бўлолмайди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида ал-Фаробий барча ижтимоий ҳаётнинг марказида моддий неъматларни, “ҳаёт учун зарур бўлган иқтисодий неъматларни” ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш турганлигини жуда яхши тушунган. “Яхши шаҳар аҳолиси тўғрисида рисола” да онтологик тамойил мутафаккир жамиятда одилликни тасдиқлайдиган ахлоқий (фазилатли) инсон томонидан дунёни ўзгартириши ҳақидаги доктринанинг ижтимоий таълимотидаги асосий даражага деб билади. Юқорида таъкидлаганимиздек, шахс, жамият, сиёсат, 1. Берунийнинг натурфалсафасида, бирламчи субстанциялар ҳақидаги қарашлари ўрта аср-мусулмон жамияти табиатшунослик ва фалсафасида мавжуд бўлган жуда бой, хилма-хил таълимотлар билан узвий боғлиқдир. Бу таълимотлар қуйидагилардир:

а) расмий сунний ислом, илоҳиётчилигининг Қуръонда, тафсир, ҳадисларда асослари берилган борлиқ, унинг моҳияти ҳақидаги таълимоти;

б) муътазила, калом, унинг асосчилари Мотуридий, Ашъарий, Боқиллоний ва бошқалар асос солган борлиқнинг “йўқдан бор қилиниб”, ҳар он, ҳар дақиқада Аллоҳ илми, ҳикмати, иродаси, қудрати билан “қайтадан тузилиб, яна қайтадан бузилиб туриладиган”, унинг тақдири яратувчи иродаси оқибати, деб тушунтирувчи креацион субстанционал концепцияси;

в) шийа-исмоилийлар, таълимийлар илгари сурган “Файзи илохий”, “Судури илохий” таълимотига асосланган борлиқ ҳақидаги “Олами Сағир”, “Олами Кабир” креацион концепциялари;

г) тасаввуфнинг борлиқ ҳақидаги “Вахдат-ул-мавжуд”, “Вахдат-ул-вужуд”, “Вахдат-уш-шухуд” концепциялари;

д) ишроқийунлар-Шалмағоний, Ибн Авн, Хусайиний, Шаҳобиддин Сухравардийлар борлиқ, олам асосида ётувчи азалий ва абадий Нур-“Нури Муҳаммадий” ҳақидаги креацион концепцияси.

REFERENCES

1. Абдильдин Ж.М., Бурабаев М.С. и др. Социальные, этические и эстетические взгляды аль-Фараби. – Алма-Ата: Наука, 1984.
2. Данное произведение аль-Фараби будет цитироваться по изданию: АльФараби. Совершенный град // Ибрагим Т.К., Ефремова Н.В. Мусульманская философия. Фальсафа. Антология. Казань, 2009.
3. Раматов, Ж. С., & Ҳасанов, М. Н. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 648-653.
4. Ҳасанов, М. Н., Бошмонов, С. У., & Жонибеков, Т. О. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЛМ-ФАНЛАР ТАСНИФИДА АҲЛОҚИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 608-613.
5. Рахимова, М. И., & Хасанов, М. Н. (2020). Роль среднеазиатской философии в развитии мировой и европейской науки. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 38-41.
6. Salimov, B. L. (2021). THE PHILOSOPHICAL ROLE OF DIALECTICAL CATEGORIES IN HUMAN LIFE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 406-410.
7. Salimov Baxriddin Lutfullaevich Tabiat va jamiyatning hayot yo'li baxtsiz hodisalar va zarurat zanjiridan iborat // Kollokvium-jurnal. 2020 yil. 24-son (76). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhiznennyu-put-prirody-i-obschestva-sostoit-iz-tsepi-sluchaynostey-i-neobhodimostey> (kirish sanasi: 28.06.2022).
8. Salimov, Bahriddin Lutfullaevich (2021). Случайность Связана С Существующими Условиями Или Является Результатом Их Взаимоотношений //

International Conference on Social and Humanitarian Research 17-18th September, Poland. – P. 175-178.

9. Jurabayev, N. (2022). PRIORITIES FOR IMPROVING THE POSITION AND IMAGE OF UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL RANKINGS AND INDICES. *Thematics Journal of History*, 8(1).

10. Nasirjan Jurabayev. (2022) UZBEKISTAN IS AT THE STAGE OF IMPORTANT STEPS IN THE INTERNATIONAL RANKING // International Conference EUROPE, SCIENCE AND WE EVROPA, VĚDA A MY EBROPIA, НАУКА И МЫ. 2022 Praha, Czech Republic Conference Proceedings. – P. 47-51.

11. Nasirjan Jurabayev. GENESIS OF THE CONCEPT OF INNOVATION AND ITS ANALYSIS // INTERNATIONAL JOURNAL ON ORANGE TECHNOLOGIES. Volume 03 Issue 03. March 2021.